

**“ПАХТАСANOAT ИЛМИЙ МАРКАЗИ” АҚЦИАДОРЛИК ЖАМИЯТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.11.2021.Т.141.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

НОРБОЕВ ЎТКИР АКБАРАЛИЕВИЧ

**ЛИНТЕРНИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА
ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАН АРАЛАШТИРГИЧНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

05.06.02 - Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга дастлабки ишлов бериш

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
technical sciences**

Норбоев Ўткир Акбаралиевич

Линтерни самарадорлигини оширишда такомиллаштирилган
аралаштиргични ишлаб чиқиш..... 3

Норбоев Уткир Акбаралиевич

Разработка модернизированного ворошителя для повышения
эффективности линтера..... 21

Norboev Utkir Akbaralievich

Development of a modernized agitatorroll to increase the efficiency
of the linter..... 37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 41

**“ПАХТАСАНОАТ ИЛМИЙ МАРКАЗИ” АҚЦИЯДОРЛИК
ЖАМИЯТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.11.2021.Т.141.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

НОРБОЕВ ЎТКИР АКБАРАЛИЕВИЧ

**ЛИНТЕРНИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА
ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАН АРАЛАШТИРГИЧНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

05.06.02 - Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга дастлабки ишлов бериш

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Техника фаилари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация сивавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2021.4.PhD/Т2523 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертацияси Жиззах политехника институтида бажарилган.

Диссертация авторефератив тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) «Paxtasanoat ilmiy markazi» АЖ хузуридаги Илмий кенгаш веб-саҳифасида <http://paxtasanoatilm.uz/> ва “Ziyonet” Ахборот таълим порталида www.ziyonet.uz манзилга жойлаштирилган.

Илмий рахбар:

Сулаймонов Рустам Шенникович
техника фаилари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Мадумаров Илхом Дедахонович
техника фаилари доктори, профессор

Джамолов Рустам Камолидинович
техника фаилари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Фаргона политехника институти

Диссертация химояси «Paxtasanoat ilmiy markazi» акциядорлик жамияти хузуридаги DSc.30/30.11.2021.Т.141.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «7» ноябрь соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100070, Тошкент ш., Шота Руставели кўчаси, 8-уй. Тел.: (+99871) 207-04-03; факс: (+99871) 256-04-21; e-mail: info@paxtasanoatilm.uz. («Paxtasanoat ilmiy markazi» акциядорлик жамияти биноси, 3-қават, мажлислар зали).

Диссертация иши билан «Paxtasanoat ilmiy markazi» акциядорлик жамияти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (6-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100070, Тошкент ш., Шота Руставели кўчаси, 8-уй. Тел.: (+99871) 207-04-03.

Диссертация автореферати 2022 йил «27» октябрь куни тарқатилади.
(2022 йил «27» октябрдаги № 6 рақамли реестр баённомаси).



Т. М. Кулиев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

М.Р.Мўминов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., к.и.х.

Р.К. Джамолов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш хузуридаги
илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда пахта толаси текстиль саноатининг асосий ҳомашеси бўлса, пахта момиғи кимё ва целлюлоза-қоғоз саноатининг асосий хомашеси ҳисобланади. Тола ва момиқ хомашёсини сифатли ишлаб чиқариш учун замонавий ресурстежамкор техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Пахтачилик соҳасидаги кўпгина давлатларда тўқимачилик саноати яхши ривожланмаганлиги сабабли пахта маҳсулотларини катта қисмини экспорт қилиш йирик ишлаб чиқаришга эга бўлган АҚШ, Хитой ва Хиндистон давлатларига тўғри келади¹. Бу борада пахтани қайта ишлашдан ишлаб чиқарилган чигитни линтерлашда линтер иш унумдорлигини ошириш билан технологияда линтерлар сонини камайтириш орқали электр энергия ва эҳтиёт қисмлар сарфини тежайдиган, корхонада экологик муҳитни меъёрий ҳолда бўлишини таъминлайдиган, ишлаб чиқарилган чигит ва момиқнинг сифатини яхшилайдиган техника ва технологияларни яратишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Жаҳонда пахтани қайта ишлашда илмий асосланган замонавий техника ва технологияларини ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш доирасида кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан пахта тозалаш корхоналарининг асосий ускуналаридан бири бўлган линтерни ресурстежамкорлигини ошириш, ишлаш жараёнини автоматлаштириш, иш унумдорликни ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини яхшилаш муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга линтер учун ресурстежамкор такомиллаштирилган аралаштиргични ишлаб чиқиш, параметрларини асослаш, техник ва уруғлик чигитларни линтерлаш жараёнида техник чигитдан ёғ маҳсулоти олишига, уруғлик чигитни унувчанлик ва ҳосилдорлигига салбий таъсир этувчи механик шикастланиш даражасини камайтириш билан самарадорликни ошириш зарур ҳисобланади.

Республикамизда пахта-тўқимачилик кластери тизимини ривожлантириш, пахта тозалаш корхоналарини замонавий маҳаллий техника ва технологиялар билан жихозлаш, пахтани қайта ишлашда корхона рентабеллигини ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг рақобадбардошлигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистонни тараққиёт стратегиясида, жумладан “саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга ошириш, тўқимачилик саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 2 бараварга кўпайтириш, жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишда тўқимачилик соҳаларининг ишлаб чиқаришга таъсирини ўрганиш...”² вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан ишлаб чиқариш самарадорлигини оширадиган ва истеъмолчининг чигит ва момиққа бўлган эҳтиёжини қондирадиган чигитни линтерлашнинг янги техникасини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

¹“Research and Market” веб-сайтидаги ҳисобот

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентини 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022- 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2015 йил 4 мартдаги ПҚ-4707-сон «2015-2019 йиллар учун таркибий ислохотлар, модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни диверсификация қилишга доир чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 июндаги «Ўзбекистон пахта тўқимачилик кластери» уюшмасини ташкил этиш тўғрисидаги 397-сонли Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифани амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналишига мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Пахта чигитини линтерлашда линтер ишчи қисмларини такомиллаштириш орқали чигитни линтерлаш технологиясини такомиллаштириш, ресурстежамкорлигини ошириш, пахта чигитини линтерлашни ишлаб чиқариш жараёнларига ва олинадиган чигит ҳамда момикнинг сифат ва миқдор кўрсаткичларига таъсири масалалари бўйича бир қатор хорижий олимлар катта ҳисса қўшганлар, жумладан, D.Michael, W. Stanley, Jr. Mangialardi, A.C Griffin, C.B. Armijo, S.E. Hugs, S.E. Anthony ва бошқалар.

Чигитини линтерлаш жараёнини, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини яхшилайдиган ускуналарни яратиш, уларнинг илмий асосларини ривожлантириш бўйича назарий ва амалий тадқиқотлар мамлакатимизда бир қатор олимлар: Б.А. Левкович, С.П. Иванов, И.И. Хохлов, К.К. Искандаров, В.В. Дъячков, Қ.Сабилов, Б.Я. Кушакеев, Р.Ш. Сулаймонов, Э.К. Нуралиев, М.М. Очиллов ва бошқалар томонидан бажарилган.

Лекин шунга қарамадан бугунги кунда чигитини линтерлашда чигит сиртидан момикни қириб олишни жадаллаштириш билан линтерланган чигитларни ишчи камерадан ташқарига ўз вақтида чиқариш орқали чигитнинг механик шикастланишини, момикни ифлослик даражасини камайтириш, линтер иш унумдорлигини ошириш билан маҳсулот сифатини яхшилайдиган линтер ускунасини яратиш муаммоси етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти “Пахтасаноат илмий маркази” АЖ илмий-тадқиқот режасига мувофиқ БФ-2-019-сонли “Пахта тозалаш корхоналарида пахта чигитини линтерлаш ва момикни тозалаш жараёнини энергия-ресурстежамкор технологиясининг назарий асосларини ишлаб чиқиш” (2017-2020) лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади чигитни самарали линтерлаш технологиясини таъминлайдиган такомиллаштирилган линтерни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари: чигитни линтерлаш техникаси ва технологиясини яратишга қаратилган илмий-тадқиқот ишларини таҳлил қилиш; чигитни линтерлаш зонасида аррали цилиндр билан аралаштиргични ҳаракатдаги массали чигитга таъсирини назарий тадқиқотлар асосида ишлаб чиқиш;

чигитни самарали линтерлаш жараёнини амалга оширадиган янги конструкцияли аралаштиргични ишлаб чиқиш;

5ЛП линтер аралаштиргичини муқобил технологик ва конструкцион параметрларини аниқлаш;

янги конструкцияли аралаштиргич билан такомиллаштирилган линтернинг муқобил параметрлари ва режимлари асосида чигитни линтерлашда ишлаб чиқаришдаги характеристикасини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида чигитни линтерлашда техника ва технология олинган.

Тадқиқотнинг предмети самарали линтерлаш жараёнини амалга оширадиган янги конструкцияли аралаштиргич олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида назарий ва амалий машина ва механизмлар назарияси, олий математика, механика ва тебранишлар назарияси, технологик машиналарни иш жараёнларини математик моделлаштириш, математик статистика ва ҳисоблаш математикаси усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

линтер парраклари билан вал оралиғи беркитилган, парракларга резина ўрнатилган ва резина билан аррали цилиндр оралиқ масофасининг муқобил катталиги танланган янги конструкцияли аралаштиргич асосида такомиллаштирилган ускуна ишлаб чиқилган;

линтерлаш зонасида чигит сиртидан момиқни кириб олишнинг жадаллашиши, чигит шикастланишини ва момиқ ифлослигининг камайиши аралаштиргич икки парраги оралиғидаги массали чигитни аррали цилиндр юзасига берадиган босим кучлари оқимининг сиқилиши ва силжиши назарий асосланган;

самарали линтерлаш жараёни, чигит ва момиқ сифатининг яхшиланиши аралаштиргич парраклардаги резина қалинлигини, қаттиқлик коэффициентини, резинани парраклардан ташқарига чиқиши баландлигини ва резина билан аррали цилиндр оралиқ масофасини инобатга олган ҳолда аралаштиргичнинг параметрлари асосланган;

линтерни иш унумдорлигига, ишлаб чиқарилган чигит ва момиқнинг миқдорига таъсир этувчи аралаштиргичнинг конструктив ва технологик каттиклари кўп омилли тажриба натижалари асосида аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

линтернинг юқори самарадорликда ишлашини таъминлайдиган, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини яхшилайдиган янги конструкцияли аралаштиргич ишлаб чиқарилган;

чигит сиртидан момикни қириб олишда чигит шикастланишини камайтириш учун аралаштиргич парраклари резина билан такомиллаштирилган;

чигит сиртидан момикни қириб олиш жараёнини жадаллаштириш учун аралаштиргич парраклари такомиллаштирилган;

амалий тадқиқотлар асосида линтер учун ишлаб чиқарилган аралаштиргичнинг рационал технологик ва конструктив параметрлари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги линтер бўйича олинган хулосалар ва тавсиялар, тажриба синовларини лаборатория ва пахта тозалаш корхонасида ишлаб чиқариш шароитида ўтказилганлиги, назарий ва амалий тадқиқотлар натижаларининг ўзаро мослиги, уларни маълум баҳолаш меъзонлари бўйича адекватлиги, апробация ва жорий қилиш, ўтказилган тадқиқотларнинг ижобий натижалари ва уларни кўриб чиқиладиган фан соҳасидаги маълумотларни қиёсий таҳлили билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти линтерлаш зонасида аралаштиргични резинали парраклари билан аррали цилиндр оралик масофасининг ва парраклардаги резина билан аррали цилиндрнинг массали чигит ҳаракатига таъсирининг алгоритмик ечими ишлаб чиқилиши, линтерлаш зонасида чигит сиртидан момикни қириб олишнинг жадаллашиши аралаштиргич парраклари оралиғидаги массали чигит ва аррали цилиндр томонидан юзага келадиган таъсирининг назарий тадқиқотлари билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти юқори иш унумдорликда ишлайдиган, чигит ва момик сифатини яхшилайдиган, электр энергияси ва эҳтиёт қисмларни тежайдиган, янги конструкцияли аралаштиргич билан такомиллаштирилган 5ЛП линтерни тавсия қилинганлиги ва ишлаб чиқариш шароитида қўллаш имконияти билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Пахта- тўқимачилик кластери пахта тозалаш корхоналарида чигитни линтерлашда самарадорлиги юқори бўлган ускуналарни яратиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

пахта чигитини линтерлаш технологияси ва ускунаси «Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари» уюшмаси тасарруфидаги корхонага, жумладан Жиззах вилояти Дўстлик тумани «САНГЗОР ТЕКСТИЛ» МЧЖ пахта тозалаш корхонасига жорий этилган («Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари» уюшмасининг 2022 йил 15 августдаги 02/22-497-сон маълумотномаси). Натижада юқори ва паст навли чигитни линтерлашда линтернинг чигит бўйича иш унумдорлигини ўртача 47 kg/h ва 46 kg/hга, момик бўйича иш унумдорлигини ўртача 2,8 kg/h ва 3,1 kg/hга ошириш имкони яратилган;

такомиллаштирилган 5ЛП линтери «Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари» уюшмаси тасарруфидаги корхонага, жумладан Жиззах вилояти

Дўстлик тумани “САНГЗОР ТЕКСТИЛ” МЧЖ пахта тозалаш корхонасига жорий этилган («Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари» уюшмасини 2022 йил 15 августдаги 02/22-497-сон маълумотномаси). Натижада юқори ва паст навли чигитларни линтерлашда чигитнинг шикастланиши ўртача 0,38 (абс)% дан 0,85 (абс)%га, момикдаги ифлос аралашмалар ва бутун чигитларнинг массавий улушини ўртача 0,62 (абс)% дан 0,37 (абс)%га камайтириш ҳамда ишлаб чиқарилаётган чигит ва момик сифатини яхшилаш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари бўйича 2 та халқаро ва 2 та Республика анжуманларида ва 6 та илмий семинарларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 8 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола нашр этилган, шулардан 6 та мақола Республика ва 1 та мақола чет эл журналларида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 107 бетдан иборат.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги асосланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилиши, ишнинг апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертация тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Чигитни линтерлашда илмий ва амалий тадқиқотларнинг аналитик таҳлили”** деб номланган биринчи боби чигитни линтерлашда ишлатилаётган линтерларни бугунги кундаги ҳолатига бағишланган. Махаллий ва хорижий линтерлардаги ишчи қисмларнинг авфзаллик ва камчиликлари ўрганилган (1, 2- расмлар), чигит сиртидан момикни қириб олишни жадаллаштириш орқали ишчи камерада линтерланган чигитларни бўлиш вақтини камайтириш ва линтернинг иш унумдорлигини ошириш мақсадида линтер ишчи камераси, ундаги аралаштиргич такомиллаштирилган, натижада линтернинг момик бўйича иш унумдорлиги бир мунча ортган, лекин чигит сиртидан максимал миқдорда момикни қириб олиш технологияси ва линтернинг чигит бўйича иш унумдорлигининг ортиши ечилмаганлиги, махаллий 5ЛП линтерлардаги аралаштиргич конструкциясининг камчилиги оқибатида линтер ишчи камерасидан линтерланган чигитларни ўз вақтида ташқарига чиқмаслиги оқибатида,


чигитли валик зичлигининг ортиши билан бирга линтернинг чигит бўйича иш унумдорлигини камайишини юзага келтириши тахлил қилинган.

Хорижий линтерларда қўлланилган аралаштиргичлар ишчи камера кўндаланг кесим юзасига мос равишда катталаштирилмаганлиги ва тезлигининг юқорилигидан ишлаб чиқарилаётган чигитнинг шикастланиши, момиқнинг ифлослик даражасини ортиши юзага келиб, чигит ва момиқнинг сифат кўрсаткичларини пасайишига сабаб бўлиши тахлил қилинган.



1- расм. Мавжуд аралаштиргичга эга бўлган 5ЛШ линтернинг ишчи камераси

1- ишчи камера, 2- аралаштиргич, 3- чигит тароғи, 4- колосник, 5- аррали цилиндр, 6- зичлик клапани



2 - расм. MR160-11С русумли Хитой линтери ишчи камерасининг схемаси
1- ишчи камера, 2- аралаштиргич, 3- вал, 4- чигит тароғи, 5- колосникли панжара, 6- аррали цилиндр, 7- арралар оралик қистирмаси, 8- зичлик клапани.

Ўрганилган ва тахлил этилган натижалар асосида чигитни линтерлашда чигит ва момиқни сифатини яхшилайдиган, самарали линтерлаш жараёни технологиясини амалга оширадиган иш унумдорлиги юқори бўлган такомиллаштирилган линтерни ишлаб чиқариш зарурлиги аниқланди.

Диссертациянинг “**Чигитни линтерлашда назарий тадқиқотлар**” деб номланган иккинчи бобида аралаштиргич паррақларидаги резина билан аррали цилиндрдаги арра тишлари оралиғида харакатланаётган чигитлар қатламини сиқиш ва силжитиш модели кўрилган (3-расм). Аррали цилиндр билан аралаштиргич паррағи оралиғида чигит тўпламининг силжишда тўплам сиқилади ва унинг хажми камаяди. Шунинг учун хажмнинг нисбий ўзгариши $\varepsilon_{xx} = \frac{du}{dx}$ силжиш функцияси $\varepsilon_{xy} = \frac{dv}{dx}$ бўлиб, А. Севостьяновнинг назариясига асосан қуйидаги боғлиққа эга:

$$\frac{du}{dx} = -\mu \left(\frac{dv}{dx} \right)^2 \quad (1)$$

бу ерда μ - чигитни геометрик жойлашиши ва зич тўпламдаги хажм концентрациясига боғлиқ бўлган қатлам сиқилишини ўлчамсиз коэффициентини.

Линтерлаш зонасида чигитлар тўпламнинг ҳолати ва жойланишини қуйидаги тенглама кўринишида ёзамиз:

$$\frac{d\sigma_x}{dx} + \rho g x = 0 \quad (2)$$

$$\frac{d\sigma_x}{dx} = 0 \quad (3)$$

Деформация ва кучланиш орасида қуйидаги боғлиқлик мавжуд


$$\sigma_x = -p(1 - 2\mu \frac{du}{dx}), \quad \sigma_{xy} = 2\mu p \frac{dv}{dx} \quad (4)$$

Чигитдан момикни қириб олишда асосан бўйлама ва урунма кучланишлар таъсир этади. Шунинг учун (1) -чи тенгламани инобатга олган ҳолда (2)-чи тенгламадан бўйлама кучланиш қуйидагини беради:

$$\sigma_x = -p \left[1 + 2\mu^2 \left(\frac{dv}{dx} \right)^2 \right] \quad (5)$$

(1)-чи тенгламани инобатга олсак, (2) тенглама иккита номаълум $p(x,t)$, $v(x,t)$ га эга ва улар $P_0 = p_0 L$ оралиғида интегралланади:

$$x=0 \text{ да } m\ddot{u}_0 = P_0 - k[u_0 + (\mu \frac{\partial v(0,t)}{\partial x})^2], \quad v = V_1 t \quad (6)$$



3- расм. Аррали цилиндр ва аралаштиргич парраги оралиғидаги таъсир зонасида харакатдаги чигитли массани схемаси

1- ишчи камера, 2- аралаштиргич, 3- чигит тароғи, 4- аррали цилиндр, 5- колосникли панжара, 6- чигит қатлами.

$$x = h \text{ да } p = k[u_0 + (\mu \frac{\partial v(h,t)}{\partial x})^2], \quad v = V_2 t \quad (7)$$

(2) тенгламани қаноатлантирадиган (6) ва (7) оралиғида $p(x,t)$, $v(x,t)$ функцияларни топиш мураккаб бўлганлиги учун қўшимча $\mu^2 (\frac{\partial v}{\partial x})^2 \approx 0$,

$\rho gh \approx 0$ шартни қабул қиламиз.

У ҳолда (6) ва (7) қуйидаги кўринишни олади.

$$x = 0 \text{ бўлганда } m\ddot{u}_0 = P_0 - ku_0, \quad v = V_1 t \quad (8)$$

$$x = h \text{ бўлганда } p = ku_0, \quad v = V_2 t \quad (9)$$

Бошланғич нол ҳолатида (8) дан биринчи тенгламанинг ечими қуйидагига эга:

$$u_0 = \frac{P_0}{k}(1 - \cos \omega t) \quad (10)$$

(8) ни қаноатлантирадиган (2) дан биринчи тенгламанинг ечими қуйидагича:

$$p = p_0(1 - \cos \omega t) \quad (11)$$

(2) тенгламанинг шартига асосан $\frac{\partial v}{\partial x}$ деформацияни қуйидаги кўринишда ёзамиз:

$$v = \xi V_2 t + (1 - \xi) V_1 t \quad (12)$$

бу ерда $\xi = x/h$

Урунма кучланиш σ_{xy} қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланди

$$\sigma_{xy} = 2\mu p \frac{dv}{dx} = 2\mu p_0(1 - \cos \omega t)(V_2 - V_1)t \quad (13)$$


Ҳисоблаш ишлари қуйидаги параметрларнинг қийматлари бўйича бажарилди:

$$L = 0,006m, \quad h = 0,01m, \quad V_1 = 4,7m/s, \quad V_2 = 12,2m/s, \quad P_0 = 100Pa, \quad m = 0,005kg,$$

Бунда линтерлаш зонасида аррали цилиндрдаги арра тиши билан резинали паррак оралиғида чигитнинг бўлиш вақти $t_0 = L/(V_2 - V_1) = 0,0008s$

Урунма кучланиш $\sigma_{xy} (Pa)$ ни резинали материални ҳар хил қаттиқлик коэффициенти қиймати k (N/m) да вақт оралиғида арра тиши билан чигит юзасини ўзаро таъсирига боғлиқлиги 4- расмда график кўринишида келтирилган. Графикдан кучланишни энг катта қиймати $\sigma_{xy} = 160Pa$ қаттиқлик коэффициенти $k = 15 \cdot 10^4 N/m^2$ да 3-чи эгри чизиқда кўрсатилган.

Линтерлаш зонасида чигит сиртидан



4- расм. Урунма кучланиш $\sigma_{xy} (Pa)$

ни вақтга боғлиқлик графиги

$$1 - k = 12 \cdot 10^4, \quad 2 - k = 13 \cdot 10^4,$$

$$3 - k = 15 \cdot 10^4, \quad 4 - k = 18 \cdot 10^4$$

момикни кириб олишда вал билан парраклар оралиғи беркитилган аралаштиргичдаги икки паррак орасида харакатда бўлган чигитлар оқими билан аррали цилиндрни ўзаро таъсири ўрганилди. Бунда маркази O нуқтада бўлган координатларнинг поляр системасини келтириб, аррали цилиндр билан чигитлар қатламини ABCD оралиғида ўзаро таъсири кўрилди (5-расм). Қатламдан $ds = R d\alpha$ элемент ажратилди ва қатлам харакатини стационар деб олиб, босимга нисбатан Эйлер тенгламаси тузилди:

Бунда $0 < \alpha < \pi/2$ бўлганда

$$\rho v \frac{dv}{ds} = -\frac{dp}{ds} + \rho g(\sin \alpha - f \cdot \cos \alpha) - f \frac{v^2}{R} \rho \quad (14)$$

бу ерда α – горизонтлар оралиғидаги поляр бурчак, f – кўрилатган жойда чигитли валик билан аррали цилиндр оралиғидаги ишқаланиш коэффиценти.

(14) тенгламани ечими учун қуйидаги ҳолатни қабул қиламиз:

1. Оқимнинг стационар ҳолатида

$$\rho \cdot v \cdot h \cdot L = \rho_0 \cdot v_0 \cdot h \cdot L = Q \quad (15)$$

бу ерда ρ_0, v_0 – АВ кесимдаги оқимнинг зичлиги ва тезлиги, L- аррали цилиндрнинг узунлиги.

2. Зичлик ва босимни ўзаро боғлиқлигини аниқлайдиган тенгламани инобатга олган ҳолда чигитлар оқимини моделлаштирамиз.

$$\rho = \rho_0 [1 + A(p - p_0)] \quad (16)$$

$A(p - p_0) \ll 1$ бўлганда (15) ва (16) тенгламадан қуйидагини оламиз:

$$v = \frac{v_0}{1 + A(p - p_0)} \quad (17)$$

бу ерда p_0 – АВ кесимдаги босим, A- чигитни сиқилишига қарши модели $K = 1/A$.


(15) ва (16) тенгламалардан фойдаланилган ҳолда (14) тенгламани оқим тезлигига нисбатан қуйидагича ёзамиз:

$$\frac{d\bar{v}}{d\alpha} = \frac{gR v(\sin \alpha - f \cdot q \cdot \cos \alpha)}{c^2 (\bar{v}^2 - 1)} - \frac{f \cdot \bar{v}^3}{\bar{v}^2 - 1} \quad (18)$$

бу ерда $\bar{v} = v/c$, $c = \sqrt{\frac{1}{\rho_0 A}} = \sqrt{\frac{K}{\rho_0}}$

(18) тенглама $v(\alpha)$ га нисбатан чизиксиздир. АВ нурда қатламдаги чигит тезлигини $v_{AB} = v_0$ деймиз ва $v/c \ll 1$ га тенг деб қараймиз. Бунда (18) тенгламани чизикли кўринишга келтирамиз:

$$\frac{d\bar{v}}{d\alpha} = -\bar{v} a(\sin \alpha - f \cos \alpha) \quad (19)$$



5- расм. Қатламли чигит массаси билан аррали цилиндр ўзаро таъсирини схемаси
1- колосникли панжара, 2- аррали цилиндр, 3- қатламли чигит

Ушбу тенгламани ечими $\bar{v}(\alpha_0) = \bar{v}_0 = v_0/c$ ҳолатни қаноатлантирадиган қуйидагини беради

$$\bar{v} = \bar{v}_0 \exp[a(1 - \cos\alpha) - f \sin\alpha] \quad (20)$$

Оқимнинг тезлигини ифодаловчи (15) тенгламадан оқим зичлигини ва босимини аниқлаймиз:


$$\rho = \rho_0 v_0/v, \quad p = p_0 + K(v_0/v - 1) \quad (21)$$

6, 7- расмларда чигит оқими тезлигини $v(m/s)$ ва чигит оқимига таъсир этувчи кучлар $P = Sp(N)$ ни поляр бурчак α га боғлиқлик графиги келтирилган.

Ҳисоблаш ишларида қуйидаги катталиқлар олинди:


$$K = 12000Pa, \quad v_0 = 4.47m/s, \quad \rho_0 = 80kg/m^3, \quad a = c = 0.003m, \quad b = 0.005m, \quad \omega = 50s^{-1}, \quad R = 0.089m.$$

6 ва 7- расмларда келтирилган графикнинг тахлилидан ишқаланиш коэффициентини ошишидан паррақлар оралиғидаги ёй бўйлаб оқимдаги чигит



6- расм. Ишқаланиш коэффициентини

1 – $f = 0.1$, 2 – $f = 0.2$, 3 – $f = 0.3$,
4 – $f = 0.4$ қийматларида чигит оқими
тезлигини поляр бурчак α га боғлиқлик
графиги



7- расм. Ишқаланиш коэффициентини

1 – $f = 0.1$, 2 – $f = 0.2$, 3 – $f = 0.3$,
4 – $f = 0.4$ қийматларида чигит оқимига
таъсир этувчи кучлар $P = Sp(N)$ ни поляр
бурчак α га боғлиқлик графиги

сиртидан момикни кириб олиш жараёнини камайиши ва чигитга таъсир этувчи куч ошиб боришини кўриш мумкин. Танлаб олинган катталиқдаги қийматларда эса чигитга таъсир этувчи куч $6N$ дан ошмасдан талаб этилган $P = 4 \div 6N$ ҳолатни қаноатлантиради.

Диссертациянинг “**Линтерни такомиллаштирилган ишчи қисмининг рационал технологик параметрларини аниқлаш**” деб номланган учинчи бобида назарий тадқиқотлар асосида яратилган чигит сиртидан момикни кириб олишни жадаллаштириш орқали линтер иш унумдорлигини оширадиган такомиллаштирилган аралаштиргичга эга бўлган линтернинг синов натижалари келтирилган (8- расм). Тадқиқот ишлари даврида такомиллаштирилган линтердаги аралаштиргични мақбул ўлчамларини, тажрибаларни математик режалаш усули орқали кўп омилли тажрибалар асосида аниқланди.

Баҳолаш мезони сифатида линтердан кейинги чигит тукдорлиги Y_1 , чигит шикастланиши Y_2 , момикдаги ифлос аралашмалар ва бутун чигитларнинг массавий улуши Y_3 , линтернинг чигит бўйича иш унумдорлиги Y_4 ва линтернинг момик бўйича иш унумдорлиги Y_5 . Белгиланган критерияларга таъсир этувчи асосий омиллар сифатида: резинани металл парракдан чиқиб туриш баландлиги, резинани қаттиқлик коэффиценти, аррали цилиндр билан резина оралиқ масофаси қабул қилинди.

Тажриба натижаларини, компьютер программаларидан фойдаланилган ҳолда, дастлабки ишлаш натижасида Фишер критерияси бўйича барча чиқиш параметрларини етарли даражада тавсифловчи қуйидаги регрессия тенгламалари олинди:

- линтердан кейинги чигитнинг тукдорлиги бўйича:

$$Y_1 = 7.399 + 0.1X_1 - 0.193X_2 + 0.416X_3 + 0.15X_1X_3; \quad (22)$$

- линтердан кейинги чигит шикастланиши:

$$Y_2 = 4.7604 + 0.0967X_1 + 0.115X_2 + 0.2871X_3; \quad (23)$$

- линтердан кейинги момикдаги ифлос аралашмалар ва бутун чигитларнинг массавий улуши:

$$Y_3 = 5.7194 - 0.15119X_1 - 0.0656X_2 - 0.1319X_3 - 0.111X_1X_3; \quad (24)$$

- линтернинг чигит бўйича иш унумдорлиги:


$$Y_4 = 727.13 - 10.0X_1 + 6.38X_2 - 1.88X_3 - 25.75X_1X_2 + 5.5X_1X_3 + 3.375X_2X_3 - 2.25X_1X_2X_3; \quad (25)$$

- линтернинг момик бўйича иш унумдорлиги:

$$Y_5 = 30.9625 - 1.225X_1 + 0.4625X_2 + 0.6375X_3 - 0.9X_1X_2 + 1.05X_1X_3 + 0.4875X_2X_3; \quad (26)$$


Лаборатория тадқиқотларини тахлилидан аралаштиргич металл парраклар билан вал оралиғи беркитилган, парракларга қаттиқлик коэффиценти $15 \cdot 10^4 N/m^2$ бўлган 6 mm қалинликдаги резина ўрнатилган ва резинани парраклардан 6 mm ташқарига чиқиб туришидек рационал катталиклари аниқланган (9- расм).

С-6524 селекцияли I навли чигитни линерлашдан ишлаб чиқарилган чигитнинг тукдорлиги таклиф этилган аралаштиргич парракларидаги резина билан аррали цилиндрни танлаб олинган 8-10 mm оралиғида 6,76 % ва 7 % ни, шикастланиши 6 % ва 5,11 % ни, 12 mm оралиғида эса тукдорлиги 8,21 % ни,




8-расм. Такмиллаштирилган аралаш-тиргичга эга бўлган 5ЛП линтернинг ишчи камераси
1-ишчи камера, 2- лист, 3- металл паррак, 4- вал, 5- чигит тароғи, 6- колосник, 7- аррали цилиндр, 8- резина, 9- крестовина, 10- зичлик клапани


шикастланиши 4,26 % ни ташкил этиб, техник ва уруғлик чигитларни линтерлашда 5ЛП линтерга қўйилган технологик талабни бажарди (10, 11-расмлар). Бунда момикдаги ифлос аралашмалар ва бутун чигитларнинг массавий улуши ўз навбатида 5,96 % дан 5,38 % гача камайиб, момикнинг сифати яхшиланишидан бир синф юқори бўлди ва давлат стандарти O'zDst 645:2016 га асосан Б тип “Ўрта” синфга тўғри келганлиги аниқланди. Чигитни линтерлашда линтернинг чигит бўйича иш унумдорлиги ўртача 185kg/h ва 138 kg/hни, момик бўйича ўртача 6,35 kg/h ва 5,28 kg/h ни ташкил этиб, самарали чигитни линтерлаш жараёни аниқланди.



9- расм. Такмиллаштирилган конструкцияли аралаштиргич 1-вал, 2- крестовина, 3- металл паррак, 4- резина, 5-лист




10- расм. 30 аррали 5ЛП линтер ишчи камерасидан чиқаётган чигитнинг тукдорлик ва шикастланганлик даражасини аралаштиргич билан аррали цилиндрдаги арра тишлари оралиқ масофасига боғлиқлик гистограммаси 1, 3- мавжуд аралаштиргичда, 2, 4- такмиллаштирилган аралаштиргичда




11- расм. Момикдаги ифлос аралашмалар ва бутун чигитларнинг массавий улуши ва момик ажралишини аралаштиргич билан аррали цилиндрдаги арра тишлари оралиқ масофасига боғлиқлиги 1, 4- мавжуд аралаштиргичда, 2, 3- такмиллаштирилган аралаштиргичда

Диссертациянинг “Такмиллаштирилган аралаштиргичга эга бўлган линтерда ишлаб чиқариш синови ва иқтисодий самарадорлик ҳисоби” деб номланган тўртинчи бобида ишлаб чиқаришда ўтказилган таққослаш-тадқиқот ишларининг натижаси келтирилди. Такмиллаштирилган аралаштиргичнинг чизмаси асосида саноат-тажриба нусхаси ишлаб чиқарилди (12, 13- расмлар). Ишлаб чиқарилган нусха Жиззах вилояти Дўстлик тумани “САНГЗОР ТЕКСТИЛ” МЧЖ пахта тозалаш корхонасининг чигитни линтерлаш технологик тизимидаги бир дона 5ЛП линтерга ўрнатилиб, линтер такмиллаштирилди (14- расм) ва технологик тизимдаги оддий конструкцияли аралаштиргичга эга бўлган 5ЛП линтери билан таққослаш-тадқиқот ишлари олиб борилди. Тадқиқот ишлари аралаштиргич парраклари билан аррали цилиндр оралиқ масофасини 8-12 мм ўзгаришида олиб борилди. Синов ишлари Бухоро-6 селекцияли I ва III навли пахтани жинлашдан ишлаб чиқарилган чигитда ўтказилди.



**12-расм. Такомиллаштирилган конструкцияли аралаштиргичнинг йиғма чизмаси
1-вал, 2- крестовина, 3- металл паррак, 4- резина, 5- лист**



**13-расм. Такомиллаштирилган аралаштиргичга эга бўлган 5ЛП линтернинг ишчи камераси
1-ишчи камера, 2-вал, 3- крестовина, 4- паррак, 5- лист, 6- резина.**




14- расм. “САНГЗОР ТЕКСТИЛ” МЧЖ пахта тозалаш корхонасидаги такомиллаштирилган аралаштиргичга эга бўлган 5ЛП линтери


Тадқиқот натижалари такомиллаштирилган аралаштиргичли 5ЛП линтерда I-навли чигитни линтерлашдан ишлаб чиқарилган чигитнинг тукдорлик даражаси ўртача 6,82 % - 8,19 % ни, шикастланиши ўртача 5,36 % ва 4,29 % ни ташкил этиб, шикастланиш даражаси мавжуд конструкцияли аралаштиргичга эга бўлган 5ЛП линтердан ишлаб чиқарилган чигит шикастланиш даражасига қараганда ўртача 0,37 (абс)% - 0,85 (абс)%га кам эканлигини кўрсатди (15- расм). Ишлаб чиқарилган момикдаги ифлос аралашмалар ва бутун чигитларнинг массавий улуши ўртача 6,0 % - 5,46 % ни ташкил этиб, мавжуд аралаштиргичли 5ЛП линтердан ишлаб чиқарилган момикдаги ифлос аралашмалар ва бутун чигитларнинг массавий улушига қараганда ўртача

0,62 (абс)% - 0,78 (абс)% га кам бўлди ва сифати яхшиланганлигидан давлат стандарти O'zDst 645:2016 га асосан I нав Б тип “Ўрта” синфга тўғри келди. Бунда таклиф этилган линтерда I навли чигитни линтерлашда линтернинг чигит бўйича иш унумдорлиги сериядаги 5ЛП линтерга қараганда ўртача 47- 35 kg/hга, момик бўйича ўртача 2,8-3,4 kg/hга юқори эканлиги аниқланди.

Таклиф этилган аралаштиргичли 5ЛП линтерда III-навли чигитни линтерлашдан ишлаб чиқарилган чигитнинг тукдорлик даражаси ўртача 7,7 % - 8,5 % ни, шикастланиши ўртача 5,28 % ва 4,71 % ни ташкил этиб (16- расм), шикастланиш даражаси мавжуд конструкцияли аралаштиргичга эга бўлган 5ЛП линтердан ишлаб чиқарилган чигит шикастланиш даражасига қараганда ўртача 0,46 (абс)% -0,38 (абс)%га кам эканлигини кўрсатди. Ишлаб чиқарилган момикдаги ифлос аралашмалар ва бутун чигитларнинг массавий улуши ўртача 6,21 %- 6,0 % ни ташкил этиб, мавжуд аралаштиргичли 5ЛП линтердан ишлаб чиқарилган момикдаги ифлос аралашмалар ва бутун чигитларнинг массавий улушига қараганда ўртача 0,37 (абс)% - 0,25 (абс) % га кам бўлди ва сифати яхшиланганлигидан давлат стандарти O'zDst 645:2016 га асосан II нав Б тип “Ўрта” синфга тўғри келди.



15- расм. Ишчи камерада чикаётган чигит тукдорлиги ва шикастланишини аралаштиргич билан аррали цилиндрдаги арра тишлари оралиқ масофасига боғлиқлиги
1, 3- мавжуд аралаштиргичда,
2,4-такомиллаштирилган аралаштиргичда



16- расм. Ишчи камерада чикаётган чигит тукдорлиги ва шикастланишини аралаштиргич билан аррали цилиндрдаги арра тишлари оралиқ масофасига боғлиқлиги
1, 3- мавжуд аралаштиргичда,
2, 4- такомиллаштирилган аралаштиргичда.

Бунда таклиф этилган линтерда III навли чигитни линтерлашда линтернинг чигит бўйича иш унумдорлиги сериядаги 5ЛП линтерга қараганда ўртача 46÷45 kg/hга, момик бўйича ўртача 3,1÷4,1 kg/hга юқори эканлиги аниқланди.

Иш унумдорлигининг ошиши, ишлаб чиқарилаётган чигит ва момик сифатининг яхшиланиши, электр энергия ва эҳтиёт қисмларнинг тежалиши ҳисобига чигитни линтерлаш технологик тизимига мавжуд аралаштиргичли 8 дона 5ЛП линтер ўрнига, такомиллаштирилган 7 дона 5ЛП линтернинг тадбиқ этилишидан кутилаётган иқтисодий самарадорлик битта пахта тозалаш корхонасига бир йилга ўртача 470 млн. сўмни ташкил этиши ҳисобланди.

ПДИ 70-2017- «Пахтага дастлабки ишлов беришни мувофиқлаштирилган технологияси» бўйича пахта чигитини линтерлаш технологик тизимига 8 донадан 12 донагача 5ЛП линтерлари ўрнатилади. Такомиллаштирилган 5ЛП линтерларни жорий этилиши уларнинг сонини камайтириб, технологик тизимда 7 донадан 10 донагача ўрнатилишини таъминлайди.

ХУЛОСА

1. Махаллий ва хорижий пахта тозалаш ва ёғ-мой корхоналарига жорий этилган линтерларнинг конструкциялари, авзаллик ва камчиликларини ўрганган ҳолда иш унумдорликни оширадиган, чигит ва момик сифатини яхшилайдиган, электр энергия ва эҳтиёт қисмлар сарфини тежайдиган такомиллаштирилган аралаштиргичга эга бўлган линтер ишчи камерасини схемаси ишлаб чиқилди.

2. Назарий тадқиқотлар асосида 5ЛП линтердаги аралаштиргич металл парраклари билан вал оралиғини беркитилишида икки паррак орасидаги массали чигитни аррали цилиндрга берадиган босимдан чигитдан момикни ажратиш тадқиқотлари олиб борилди. Металл парракларга ўрнатилган резина билан аррали цилиндрдаги арра тишлари оралиғида ҳаракатланаётган массали чигитдан момикни қириб олишни жадаллаштиришда резинани металл парракдан чиқиб туриш баландлигини, резина қалинлигидаги қаттиқлик коэффициентини таъсири назарий томондан ўрганилди, аналитик ечимлари олинди.

3. Такомиллаштирилган 5ЛП линтерни муқобиллаштириш учун тўлиқ омилли тажрибалар ўтказилди. Олинган регрессия тенгламалар ва лаборатория тадқиқотлари таҳлили натижасида аралаштиргичдаги металл парраклар билан вал оралиғини беркитилиши, металл парракларга ўрнатилган резина қаттиқлик коэффициенти $15 \cdot 10^4 N/m^2$, металл парраклардан резинани чиқиб туриш баландлигини 6 mm ва резина парраклари билан аррали цилиндр оралиқ масофасини 10 mm га тенг бўлган рационал катталиқда бўлиши аниқланди.

4. Ишлаб чиқаришда Бухоро-6 селекцияли I ва III навли чигитни линтерлашда таклиф этилган аралаштиргич билан такомиллаштирилган 5ЛП линтердан ишлаб чиқарилган чигитни тукдорлик даражаси ўртача 6,82 % ва 8,5 % ни, шикастланиши ўртача 5,36 % ва 4,71 % ни ташкил этиб, шикастланиш даражаси оддий конструкцияли аралаштиргичга эга бўлган 5ЛП линтердан ишлаб чиқарилган чигит шикастланиш даражасига қараганда кам бўлди ва чигитнинг сифати навлар бўйича ўртача 0,37 (абс)% дан 0,85 (абс)%га яхшиланди.

5. Чигитни линтерлашдан ишлаб чиқарилган момикдаги ифлос аралашмалар ва бутун чигитларнинг массавий улуши I ва II навлар бўйича ўртача 6,0 % ва 6,21 %ни ташкил этиб, оддий аралаштиргичли 5ЛП линтердан ишлаб чиқарилган момикдаги ифлос аралашмалар ва бутун чигитларнинг массавий улушига қараганда ўртача 0,62 (абс)% ва 0,37 (абс)%га кам бўлди. Олинган момик сифатининг яхшиланганлигидан давлат стандарти O'zDst 645:2016 га асосан I ва II нав Б тип “Ўрта” синфга тўғри келди.

6. Такмиллаштирилган 5ЛП линтерда I ва III навли техник чигитни линтерлашда, линтернинг чигит бўйича иш унумдорлиги ўртача 698 kg/h ва 682 kg/hни, момиқ бўйича 26,7 kg/h ва 24,5 kg/hни ташкил этиб, оддий конструкцияли 5ЛП линтер иш унумдорлигига қараганда чигит бўйича 47 kg/h ва 46 kg/hга, момиқ бўйича 2,8 kg/h ва 3,1 kg/hга юқори эканлигини кўрсатди. Чигитни линтерлаш жараёнида таклиф этилган аралаштиргич билан такмиллаштирилган 5ЛП линтерда оддий конструкцияли 5ЛП линтерга қараганда ишчи камерадан чигитларни ташқарига чиқиши жадаллашди, таъминловчи системадан ишчи камерага янги тукли чигитларни берилиши кўпайтирилиб, чигитни самарали линтерлаш жараёни амалга оширилди.

7. Таклиф этилган 5ЛП линтерда техник чигитни линтерлашда чигитдан олинадиган ёғ-мой миқдорига салбий таъсир этмаслиги учун резинали парраклар билан аррали цилиндр оралиқ масофасини 8-10 mm катталиқда ўрнатиш, уруғлик чигитни линтерлашда чигит шикастланишини белгиланган меъёрдан ошмаслиги учун 12 mm катталиқда қолдириш тавсияси берилди.

8. ПДИ 70-2017- технологик регламент бўйича пахта чигитини линтерлаш технологик тизимига ўрнатиладиган 8 донадан 12 донагача бўлган 5ЛП линтерлари ўрнига такмиллаштирилган 5ЛП линтерлардан 7 донадан 10 донагача ўрнатиш тавсияси берилди.

9. Такмиллаштирилган 5ЛП линтерни ишлаб чиқаришга тадбиқ этилишидан иш унумдорлигини ошириши, линтерлар сонини камайиши, ишлаб чиқарилан чигит ва момиқ сифатини яхшиланиши, электр энергия ва эҳтиёт қисмларни тежалиши ҳисобига кутилаётган иқтисодий самарадорлик битта пахта тозалаш корхонасига бир йилга ўртача 470 млн. сўмни ташкил этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.30/30.11.2021.Т.141.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ АО «ПАХТАСАНОАТ ИЛМИЙ МАРКАЗИ»**

ДЖИЗАКСКИЙ ПОЛИТЕХНИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

НОРБОЕВ УТКИР АКБАРАЛИЕВИЧ

**РАЗРАБОТКА МОДЕРНИЗИРОВАННОГО ВОРОШИТЕЛЯ ДЛЯ
ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ЛИНТЕРА**

05.06.02–Технология текстильных материалов и первичная обработка сырья

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2021.4.PhD/Г2523.

Диссертация выполнена в Джиззакском политехническом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещен в веб-сайте АО «Paxtasanoat ilmiy markazi» (<http://paxtasanoatilm.uz/>) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Сулаймонов Рустам Шенникович
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Мадумаров Илхом Дадахонович
доктор технических наук, профессор

Джамолов Рустам Камолидинович
доктор технических наук, профессор

Ведущая организация:

Ферганский политехнический институт

Защита диссертации состоится 7 ноября 2022 года в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.30/30.11.2021.T.141.01 при АО «Paxtasanoat ilmiy markazi» по адресу: 100070., г. Ташкент, ул. Шота Руставели-8, Административное здание АО «Paxtasanoat ilmiy markazi», 3-этаж, зал совещаний, тел.(+99871) 207-04-03, факс: (+99871) 256-04-21. e-mail: <http://paxtasanoatilm.uz/>.

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре АО «Paxtasanoat ilmiy markazi» (зарегистрирована за № 6). Адрес: 100070., г. Ташкент, ул. Шота Руставели-8, тел.: (+99871) 207-04-03 факс: (+99871) 256-04-21.

Автореферат диссертации разослан 27.10. 2022 года.
(реестр протокола рассылки № 6 от 27.10. 2022 года).



Т.М.Кулиев

Председатель научного совета
по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

М.Р.Муминов

Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученых степеней, д.ф.т.н., с.н.с.

Р.К.Джамолов

Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире хлопковое волокно является основным сырьем текстильной промышленности, а линт - основным сырьем химической и целлюлозно-бумажной промышленности. Особое внимание уделяется внедрению современных ресурсосберегающих техники и технологий получения качественного волокна и линта. Поскольку в большинстве хлопководческих стран текстильная промышленность развита слабо, большая часть экспорта хлопчатобумажной продукции приходится на страны с крупным производством - США, Китай и Индию¹. В связи с этим особое внимание уделяется созданию техники и технологий, позволяющих сэкономить электроэнергию и запчастных частей путем уменьшение количество линтеров в технологии, обеспечить экологическую норму на предприятии и улучшить качество производимой линта и семян.

В мире ведутся обширные научно-исследовательские работы в рамках производства и внедрения научно-обоснованных современных техники и технологий в переработке хлопка. В связи с этим важно повысить ресурсосберегаемость линтера, являющегося одним из основного оборудования хлопкоочистительных предприятий, автоматизировать рабочий процесс, повысить производительность и качество выпускаемой продукции. При этом необходимо разработать ресурсосберегающий усовершенствованный ворошитель для линтера, обосновать его параметры, повысить эффективность за счет снижения уровня механических повреждений, негативно влияющих на выход масличности из технических семян, на всхожесть и урожайность посевных семян.

В нашей республике реализуются комплексные меры по развитию системы хлопково-текстильных кластеров, оснащению хлопкоочистительных предприятий современным отечественным оборудованием и технологиями, повышению рентабельности хлопкоперерабатывающих предприятий и конкурентоспособности выпускаемой продукции. В новой стратегии развития Узбекистана на 2022-2026 годы указаны следующие задания, в том числе «увеличение объема производства промышленной продукции в 1,4 раза, увеличение объема производства продукции текстильной промышленности в 2 раза, изучение влияния текстильной промышленности на производство при вступлении во Всемирную торговую организацию...»². При реализации этих задач одной из важных задач является разработка новой техники линтерования семян, которая позволит повысить эффективность производства и удовлетворить потребности потребителя в семенах и линте.

